
БЛОГЕР НИГОРА АЛИМОВА ТОМОНИДАН ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ЭЛОН ҚИЛИНГАН МАҚОЛАСИ ЮЗАСИДАН ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҚҲИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.



Даъвогар Данғара тумани ҳокимининг жавобгар Б.Эргашевга нисбатан Данғара тумани Тарғова МФЙ Пахтакор қишлоғи Сойбўйи кучасидаги ўзбошимчалик билан қурилган бино-иншоотларни буздириш ҳақидаги даъво аризаси 13.07.2020 йил кунги ФИБ Қўқон туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантирилиб Эргашев Баходир Тошназарович томонидан қурилган бино-иншоотлар мажбурий тартибда буздирилсин-деб кўрсатилган, ушбу қарор қонуний кучида.

Аризачи Эргашев Баходир Тошназаровичнинг жавобгар Данғара тумани ҳокимлигига нисбатан –Данғара тумани ҳокимининг 26.09.2014 йил кунги 801-сонли қарорини ва 27.07.2018 йил кунги 883-сонли қарорларини ҳақиқий эмас деб топишликни сўраган аризаси-Данғара маъмурий судида кўрилиб 24.09.2020 йил кунги ҳал қилув қарори билан даъвоси қаноатлантиришдан рад қилинган, суднинг қароридан норози бўлиб шикоят берувчи Эргашев Баходир Тошназаровични апелляция шикояти Андижон вилоят судида кўрилиб 06.11.2020 йил кунги қарори билан ўз кучида қолдирилган.

Аризачи Эргашев Баходир Тошназаровични Данғара туман ҳокимининг 15.02. 2013 йил кунги 94-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишликни сўраган ва 25.12.2020 йил кунги ҳал қилув қарори билан аризачи Эргашев Баходирни аризаси рад қилинган. Эргашев Баходирни суднинг қароридан норози бўлиб келтирган апелляция шикояти вилоят судида кўрилиб 18.02.2021 йил кунги Фарғона вилоят маъмурий судининг апелляция инстанциясини қарори билан ўз кучида қолдирилган.

Аризачи Эргашев Баходир Тошназарович- жавобгар Данғара туман ҳокимлиги туман ва вилоят Кадастр бўлимига нисбатан Фрунзе район Совети Президиумининг 30.04.1991 йил кунги №1144-сонли Эргашев Б.Т.га ер ажратиш қарорини давлат руйхатидан ўтказмаслик ҳаракатини қонунга ҳилоф деб топишни сўраб берган аризаси Фарғона туманлараро маъмурий судида кўрилиб 20.05.2021 йил кунги Фарғона туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан қаноатлантиришдан рад қилинган.

Фуқаро Б.Эргашев туман ҳокими қабулида бўлиб қилган мурожаати ҳамда туман ҳокими номига ёзган аризасига кўра туман ҳокимлиги томонидан Мажбурий ижро бюроси туман бўлими бошлиғига 23.06.2021 куни ФИБ Қўқон туманлараро судининг 13.07.2020 йил кунги ҳал қилув қарорини ижросини тўхтатиб турилиши юзасидан 645-сонли хати юборилган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)

[Facebook](#),

2021-06-26 18:45:56